

ОММАВИЙ ОФЕРТА

«Пуллик рақамли телевиденияга хизмат кўрсатиш шартномаси»

«UZDIGITALTV» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш Вазирлиги томонидан 04.02.2022 йилда берилган АА 0007359-сонли Лицензия асосида ва Низом асосида ҳаракат қилувчи, пуллик рақамли ер усти телевидения хизматини кўрсатувчи Провайдер, матнда бундан буён «Провайдер» деб номланади, мазкур шартнома шартлари асосида кодланган ер усти рақамли телевидение телеканаллар пакетларидан фойдаланиш хизматини тақдим этади, матнда бундан буён «Хизматлар» деб номланади:

Абонент мазкур оммавий офертанинг шартларини бирор бир ўзгартиришсиз ва / ёки чекловсиз тўлиқ ва шартсиз акцепт қилганда қайдлов варақасига имзо қойиш керак, шу билан оммавий оферта шартномасининг барча шартларини қабул қилганлигини тасдиқлайди, шу жумладан Автоматик тарзда ўрнатилган телеканаллар пакети мувофиқ хизматларига олдиндан тўлов қилиш шarti билан тақдим этилади.

Агар Сиз Шартнома шартларини тўлиқ ҳажмда қабул қилмасангиз, илтимос ўз розилигингизни билдирманг ва Хизматлар учун тўловни амалга оширманг.

Сиз ушбу Шартноманинг шартларини тўлиқ ва шартсиз қабул қилганингизни билдирадиган ҳаракатдан бошланади. Мазкур Шартноманинг барча шартларини тўлиқ қабул қилганингиз (акцепт) Сиз Хизматлар учун тўловни амалга оширишингиз ва тўловни тасдиқловчи молиявий ҳужжатни олганингиздан бошлаб кучга киради. Мазкур Шартнома шартларини қабул қилган Абонент, Провайдер билан Хизматларни тақдим этишга оммавий оферта шартномасини тузган шахс сифатида кўрилади.

1. АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

- 1.1. Провайдер - «UZDIGITAL TV» МЧЖ, рақамли телевидение оператори тармоғи орқали тижорат асосида ер усти рақамли телевидение хизматларини тақдим этувчи юридик шахс.
- 1.2. Абонент - Провайдер билан мазкур Шартномани тузган, Хизматлар ҳақини тўлаган ва мазкур Шартнома билан белгиланган шартлар асосида Хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс.
- 1.3. DVB-T/T2 - Ер усти рақамли эфир узатиш стандарти (Digital Video Broadcasting Terrestrial).
- 1.4. Абонент ускунаси - Провайдер томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратиш учун Абонентда ўрнатиладиган, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи техник регламентлар ва стандартларга мувофиқ ускунанинг ушбу турига қўйиладиган техник талабларга, Провайдернинг шартли фойдалана олиш тизимининг талабларига мувофиқ бўлган техник восита ёки уларнинг мажмуи. Абонент ускунаси Абонент томонидан сотиб олинади, унинг мулки ҳисобланади ва тегишли равишда ўрнатилган бўлиши шарт. Абонент ускуналарига қўйидагилар киради:
 - 1.4.1. Сарфланадиган материаллар - коаксиал кабель RG-6 (75 Ом), штекер, коннектор, ДМТ диапазонли антенна;
 - 1.4.2. Set-Top-Box (STB) - рақамли телевидение сигнални қабул қилувчи ва уни декодловчи қурилма, телевизион приёмник (қўшимча мослама);
 - 1.4.3. CAM-модуль - ичига ўрнатилган DVB-T/ T2 тюнерли телевизорларда рақамли телевидениенинг пулли пакетларига кириш учун зарур мослама;
 - 1.4.4. Смарт-карта - Абонентни индивидуаллаштириш қилиш ва унга Хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш имкониятини яратувчи микропроцессор ўрнатилган электрон карта.
- 1.5. Хизматлар - қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Келишув асосида рақамли телевидение телеканалларининг пуллик пакетларига кириш имкониятини тақдим этиш.
- 1.6. Қўшимча хизматлар - Абонент ускуналарини монтаж қилиш, созлаш ва хизмат қилиш бўйича пуллик хизматлар, Қўшимча телеканаллар пакети ҳамда тасдиқланган рўйхат ва тарифлар бўйича Абонентга кўрсатиладиган бошқа пуллик хизматлар.
- 1.7. Телеканаллар пакети (асосий) - Провайдер томонидан ўрнатилган ва унга кириш мазкур Келишув шартлари асосида амалга ошириладиган, Абонент томонидан танлаган телеканаллар тўплами.
- 1.8. Қўшимча телеканаллар пакети – Асосий бўлмаган ва асосий телеканаллар пакетига тўловсиз тақдим этилмайдиган, автомат тарзда уланиш мумкин ва кейинчалик ёқиш ёки ўчириш имкони бўлган телеканаллар тўплами.
- 1.9. Уланиш - Абонентни индивидуаллаштириш ва шартли картасиз (смарт картасиз) ишлайдиган абонент ускуналаридан фойдаланган тақдирда, унга Провайдер хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи хизмат;
- 1.10. Сайт - www.uzdtv.uz манзилида жойлаштирилган, Провайдернинг Интернет тармоғидаги расмий сайти, унда «UZDIGITAL TV» МЧЖ ҳақида зарур маълумотлар мавжуд (мақсадлари, хусусиятлари, алоқа учун маълумотлар, Келишув ва унга киритиладиган ўзгаришлар, шартлар, тарифлар, хизматлар ва бошқа маълумотлар).

- 1.11. Шахсий кабинет - Абонентнинг Провайдер сайтида жойлаштирилган ва Абонентга тақдим этиладиган хизматлар ҳақида маълумот берувчи, кириш махфий маълумотлар билан (логин ва пароль) ҳимояланган махсус қисми.
- 1.12. Фаоллаштириш (ёқиш) - Абонент ускуналарини Провайдер хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш учун фаол ҳолатга келтириш.
- 1.13. Нофаоллаштириш (ўчириш) - фаоллаштиришга тескари бўлган жараён.
- 1.14. Шахсий ҳисоб рақам - Абонентга берилган, Провайдернинг АХКТсида ёзилган такрорланмас рақам, у Абонентнинг буюрилган ва тақдим этилган хизматлар учун ҳисоб-китоблари тарихини ва жорий ҳолатини акс эттиради, ушбу рақам Абонентнинг идентификация рақами - «ID» ҳисобланади.
- 1.15. Хизматлар амал қилиш муддати - Абонент томонидан тўланган календар даври, у Хизматлар тақдим этиладиган ойлар билан ҳисобланади.
- 1.16. Рақамли телевидение хизматлари тақдим этиладиган ҳудуд (матнда бундан буён “Худуд” деб аталади) - техника меъёрларига жавоб берадиган телевидение сигнали қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди.
- 1.17. Call-Center - Абонентга ахборот-маслаҳат ва техник ёрдам тақдим этиш хизмати, (support@uzdtv.uz, +998 78 129 90 00).
- 1.18. Провайдернинг жавобгарлик зонаси - Абонентнинг қабул қилувчи антеннадан бошлаб рақамли сигнал қабул қилувчи мосламагача (STB/ Cam – модуль) тақдим этилган сигнал сифати, ҳамда Провайдер Хизматларни бошқариш учун ишлатаётган ускуналар.
- 1.19. Абонентнинг жавобгарлик зонаси - Абонент ускуналари ҳамда Абонент эғалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқи бўлган шахсий идентификацион маълумотлар (шахсий ҳисоб рақам, шахсий кабинетдан фойдаланиш учун логин ва пароль).
- 1.20. Автоматлаштирилган Ҳисоб-Китоб тизими (АХКТ) - Абонентларни автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш, уларнинг Шахсий ҳисоб рақамлари ҳолатини, абонент тўловини ҳисоблаш, Хизматларни автоматик равишда бошқариш имкониятини берувчи дастурий воситалар мажмуаси.
- 1.21. Абонент тўлови - Провайдер Абонентга тақдим этаётган асосий ва/ёки қўшимча телеканаллар пакети учун ҳар ойлик тариф тўлови.
- 1.22. Оферта - Провайдернинг ҳар қандай жисмоний шахсга у билан мазкур Офертада келтирилган шартларда Келишув тузишга таклиф.
- 1.23. Акцепт –Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамига Провайдер Хизматлари (Уланиш ва абонент тўлови) учун ҳақ тўлаш орқали амалга оширилган жорий Оммавий оферта шартнома шартларини Абонент томонидан тўлиқ қабул қилиниши.
- 1.24. Оператор – мулк ҳуқуқи ёки бошқа мулк ҳуқуқлар асосида рақамли телевидение тармоғига эга бўлган, унинг ишлашини, ривожланиши ва рақамли телевидение хизматларини кўрсатувчи юридик шахс.
- 1.25: Рўйхатга олиш шакли (бланк) – Провайдер томонидан белгиланган намунадаги шакл (бланк), шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, Абонент Шартнома шартлари билан танишганлигини ва уларни Абонент томонидан тўлиқ ва сўзсиз қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир. Рўйхатдан ўтиш бланки Абонент тўғрисидаги маълумотларни, Абонент томонидан танланган дастлабки телеканаллар тўплами ва Шартноманинг бошқа муҳим шартларини ўз ичига олади. Рўйхатга олиш шакли (бланк), Тарафлар томонидан фақат Провайдернинг расмий савдо ва хизмат кўрсатиш идораларида тузилади ва имзоланади.
- 1.26. Фойдаланувчи – провайдер билан шартнома тузмаган, очик теле-, радиоканалларни қабул қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 2.1. Провайдер абонентга телеканалларнинг кодланган асосий ва/ёки қўшимча телеканаллар пакетига кириш бўйича хизматларни, ҳамда Қўшимча хизматларни тақдим этади.
- 2.2. Абонент асосий ва/ёки қўшимча телеканаллар пакетини томоша қилиши билан боғлиқ барча хатарларни ўзига олади, шу жумладан кўриш режимларига, ёшга оид чекловлар, руҳий аҳвол ва ҳоказога риоя қилиш, ҳамда Провайдер айбисиз эҳтимомлли хатоликлар, техник узилишлар ёки кўрсатувларда технологик танаффуслар вужудга келиши мумкинлиги билан розилигини билдиради.
- 2.3. Абонент томонидан хизматлар учун тўлов (уланиш ва абонент тўлови) амалга оширилган тақдирда, шартнома ҳар икки тараф томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

3. ХИЗМАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ШАРТЛАРИ

- 3.1. Провайдер, Абонент ер усти рақамли телевидение (РТВ) тармоғига уланиши шarti билан, Абонент ускуналаридан фойдаланган ҳолда хизматлар тақдим этади.

- 3.2. Хизматлар фақат Худудда ва Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжудлигида, ва Абонент томонидан мазкур Келишув шартларига риоя қилиши шarti билан тақдим этилади.

4. ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

- 4.1. Абонент тўлови, қўшимча хизматлар ва сарфланадиган материаллар Провайдер томонидан тасдиқланган тарифларга мувофиқ белгиланади
- 4.2. Тарафлар Провайдер Хизмати, Қўшимча хизматлар, Сарфланадиган материалларни, тасдиқланган рўйхат ва тарифлар бўйича тақдим этишига келишдилар. Амалдаги тарифлар Провайдер офиси ва/ёки Сайтида кўрсатилган.
- 4.3. Хизмат ва Қўшимча хизматларнинг тарифларини ўзгартириш, Провайдер томонидан бир томонлама амалга оширилади, Абонентни мажбурий огоҳлантириш шarti мазкур Шартноманинг 4.11-бандига мувофиқ амалга оширилади.
- 4.4. Мазкур Шартнома бўйича барча тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси - СЎМда амалга оширилади.
- 4.5. Абонент тўлови Абонент мазкур Шартномани акцепт қилган кундан бошлаб ҳисобланади.
- 4.6. Абонент тўлови 100% олдиндан, жорий ойнинг 25 санасидан кечиктирмай тўланади. Абонент тўлови 1 (бир) ойдан ортиқ муддат учун тўланиши мумкин. Бунда, ҳар бир календар ойнинг биринчи санасида, Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамида мавжуд пул маблағлар жорий календар ой учун абонент тўловига тенг миқдорга камайиб боради. Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд бўлмаса, Хизмат автоматик тарзда блокировка қилинади.
- 4.7. Абонент Провайдер Хизматлари учун 3 (уч) календар ойдан ортиқ муддат ичида тўловни амалга оширмаса, пул маблағлари Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига тушгандан сўнг Хизмат Провайдернинг АХҚТда автоматик тарзда фаоллаштирилади. Абонент тўлови пул маблағлари тушган санасидан қатъий назар тўлик жорий календар ой учун ечилади.
- 4.8. Абонент Провайдер Хизматларидан фойдаланиш учун 3 (уч) календар ойдан ортиқ муддат ичида тўловни амалга оширмаган (Абонентда Провайдер олдида қарздорлик мавжуд эмаслиги шarti билан) ва Провайдерга 5.4.6-бандга мувофиқ Хизматлардан фойдаланишнинг тўғрисида Провайдер номига ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, Абонент, Хизматларни фойдаланиш ва фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган тўловлар, ойлик абонент тўлови фаоллаштирилган кундаги тарифлар бўйича тўлайди. Бунда Абонент тўлови, Хизматни фаоллаштириш санасидан бошлаб ечиб олинади.
- 4.9. Абонент унинг Шахсий ҳисоб рақамида мавжуд пул маблағлари ҳақида маълумотни Провайдер офисида, Call-Center ва/ёки Шахсий кабинет орқали олиши мумкин.
- 4.10. Қўшимча хизматлар ва / ёки Сарфланадиган материаллар учун тўлов, улар тақдим этилган санадан бошлаб Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамидан пул маблағларини ечиш йўли билан тўланади. Қўшимча хизматлар тақдим этилиши Қўшимча келишувни тузмасдан, Абонентнинг ижобий баланси мавжудлигида тақдим этилади. Бажарилган Қўшимча хизматлар, Сарфланадиган материаллар ҳажми счет-фактурасида, бажарилган ишлар далолатномасида, қабул қилиб олиш ва бериш актида кўрсатилади, улар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми деб ҳисобланади.
- 4.11. Тарифларнинг ўзгариши улар Провайдер Сайтида жойлаштирилганидан сўнг 10 кунда кучга киради, бунда Абонент киритилган ўзгартиришлар ҳақида тегишли тарзда ва ўз вақтида огоҳлантирилган ҳисобланади. Абонент тарифлар ўзгариши билан рози бўлмаган тақдирда, мазкур Шартноманинг 8.2-бандга мувофиқ Шартнома бекор қилиши мумкин. Абонентнинг ёзма аризаси мавжуд эмаслиги унинг ўзгартиришлар билан розилигини билдиради ва Провайдер Хизматлари учун янги тарифлар бўйича тўловни амалга ошириш учун асос бўлади.
- 4.12. Абонент пул маблағларини нотўғри Шахсий ҳисоб рақамига ўтказиб юборган бўлса, ечишдан сўнг қолган пул маблағлари Абонентнинг Провайдер номига ёзма аризаси асосида унинг ҳисоб рақамига ўтказилади, аризага тўловни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган бўлиши шарт. Нотўғри Шахсий рақамга ўтказилган ва ариза топширилган пайтда ечилган пул маблағлари қайтарилмайди.
- 4.13. Харид қилинган Абонент қурилмалари, сарф материаллари, буюртма қилинган қўшимча хизматлари учун Провайдернинг расмий савдо ва хизмат кўрсатиш идораларида тўловларни амалга ошириш ва рўйхатга олиш тартиби:
- 4.13.1. Абонент қурилмалари ва/ёки сарф материаллар, шартноманинг ажралмас қисми бўлган ҳисоб-фактура орқали расмийлаштирилади;
- 4.13.2. Қўшимча хизматлар, шартноманинг ажралмас қисми бўлган бажарилган ишлар далолатномаси орқали киритилади. Абонент томонидан буюртма қилинган қўшимча хизматлар учун тўловлар ариза юборилган ва рўйхатга олинган кундан 100% олдиндан тўлов амалга оширилганда расмийлаштирилади;
- 4.13.3. Абонент қурилмалари ва сарф материаллари учун бир марталик тўловлар, абонент томонидан рўйхатга олиш шакли (бланк), ҳисоб-фактура ва қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 100% олдиндан тўлов амалга оширилганда расмийлаштирилади;

- 4.13.4. Провайдернинг офисларида сотиб олинган Абонент курилмалари ва/ёки сарф материаллари рўйхатга олиш шакли (бланк), ҳисоб-фактура ва қабул қилиш далолатномаси Абонент томонидан имзоланган кундан бошлаб шахсий мулкка айланади.
- 4.14. Абонент курилмаси Провайдер офисларида харид қилинган тақдирда, телеканаллар тўплами Абонент томонидан мустақил равишда танланади.
- 4.15. Абонент курилмаси Провайдер дистрибьютори орқали харид қилинган тақдирда, телеканаллар тўплами автоматик тарзда ҳудудда мавжуд бўлган максимал телеканаллар пакетига мос ўрнатилади. Бундай ҳолда, Абонент ўрнатилган телеканаллар тўпланини, Шартноманинг 5.4.5-бандига мувофиқ ўзгартириши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Провайдер мажбуриятлари:

- 5.1.1. Провайдернинг жавобгарлик зонасида Хизмат сифатини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш;
- 5.1.2. Абонент ускуналарини ўрнатиш, талабнома келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида, Абонент мазкур Шартноманинг 4-бўлимига мувофиқ тўловни амалга оширганидан сўнг ўрнатилади. Талабномани бажариш муддати, Абонент ва Провайдерга боғлиқ бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда, Провайдер томонидан узайтирилиши мумкин.
- 5.1.3. Абонент томонидан танланган телеканаллар пакетига асосан Хизматларни тақдим этиш, мазкур Шартноманинг 7-бўлимида келтирилган ҳолатлар бундан истисно.
- 5.1.4. Провайдер Хизматлар сифати кескин ёмонлашса, Абонентдан талабнома келиб тушгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида носозликларни бартараф этиш, мазкур Шартноманинг 6.5-бандида ва 7-бўлимида келтирилган ҳолатлар бундан истисно. Талабномани бажариш муддати, Абонент ва Провайдерга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар вужудга келган тақдирда, Провайдер томонидан узайтирилиши мумкин.
- 5.1.5. Абонент талабига асосан унинг Шахсий ҳисоб рақамида акс эттирилган ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотларни тақдим этиш;
- 5.1.6. Абонентга Хизматларни тақдим этиш тартиби ҳақида батафсил маълумотни Провайдернинг офисларида, Сайт ёки Call-Center орқали тақдим этиш.
- 5.1.7. Техник заруриятлар бўйича (профилактика ишларини бажариш) Хизмат кўрсатилиши вақтинча тўхтатилган тақдирда, тегишли маълумотни Сайтда ва/ёки “чопар сатр” да жойлаштириш йўли билан Абонентни камида бир сутка аввал огоҳлантириш. Абонент бундай маълумотни Провайдерга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра олмаса, Провайдер Абонент ўз вақтида огоҳлантирилмагани учун жавобгар бўлмайди ва бу муносабат билан эътирозлар қабул қилинмайди.
- 5.1.8. Провайдер айби билан Хизматлар кўрсатилмаган тақдирда, Абонент мурожаати бўйича Провайдер манзилига ёзма ариза топширилган кундан бошлаб, Абонент тўловини қайта ҳисоблаш;
- 5.1.9. Тўловни ўз вақтида тўламаганлиги учун, тўхтатилган Хизматларни кўрсатилиши бир сутка ичида, Абонент томонидан киритилган маблағлар тўлаганлиги тасдиқловчи ҳужжат Провайдерга тақдим қилинганидан сўнг амалга ошириш.
- 5.1.10. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Провайдер томонидан тасдиқланган ««ООО «UZDIGITAL TV» да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ кўриб чиқиш.

5.2. Провайдер ҳуқуқлари:

- 5.2.1. Абонентни огоҳлантирмасдан, ваколатли орган томонидан Ҳудудда намоиш этишга рухсат этилган асосий ва қўшимча телеканаллар пакетидан у ёки бу теледастурларни қўшиш ёки олиб ташлаш йўли билан Телеканаллар пакети ўзгартириш;
- 5.2.2. Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамида пул маблағлари етмаган тақдирда ёки Абонентда Қўшимча хизматлар ва Сарфланган материаллар учун тўлов бўйича қарздорлик вужудга келса, Хизматларни кўрсатишни тўхтатиб қўйиш;
- 5.2.3. Ускуналарни ўрнатиш учун техник ёки бошқа шароит бўлмаса, Хизматларни кўрсатилишини рад этиш, бунда Абонентдан олинган тўлов мазкур Шартноманинг 8.5-бандига мувофиқ қайтарилади.

5.3. Абонент мажбуриятлари:

- 5.3.1. Белгиланган техник талабларга мувофиқ Абонент ускуналаридан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартибига тўлиқ жавоб бериш;
- 5.3.2. Абонент ускуналари ишдан чиқса, дарҳол Провайдерга ёзма равишда хабар бериш. Фақат шундагина Абонент ёзма мурожаат қилган санасидан Абонент ускуналарини тиклаш санасигача Абонент тўлови қайта ҳисобланади;
- 5.3.3. Мазкур Шартнома шартлари акцепт қилишдан олдин, шартларни ўрганиб чиқади ва рози бўлган тақдирда акцепт қилади;
- 5.3.4. Абонент ускуналарида мавжуд маълумотлардан нусха кўчирмаслик, ўзгартирмаслик ёки бошқа усулда ундан фойдаланмаслик. Маълумотларни рухсатсиз ишлатиш ман этилади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади;
- 5.3.5. Хизмат ва Қўшимча хизматлар учун мазкур Шартнома билан назарда тутилган шарт ва тартибда ўз вақтида ва тўлиқ тўловни амалга ошириш;

- 5.3.6. Провайдер ходимларига, улар хизмат гувоҳномасини ёки рухсатномасини тақдим этганидан сўнг, Абонентни Хизматларга улаш учун Абонент ускуналари ўрнатиладиган хоналар ёки жойларга кириш имкониятини тақдим этиш;
- 5.3.7. Хизматлардан фойдаланганда вужудга келган муаммолар ҳақида, шу жумладан телевидение сигнали йўқолганлиги ҳақида дарҳол Call-Center га қўнғироқ қилиб ёки Провайдер офисига мурожаат қилиб, Провайдерга хабар бериш;
- 5.3.8. Абонент маълумотларини (шахсий ҳисоб рақами ва абонент ускунасининг серия рақами) аниқлаш учун, Абонент Провайдернинг ходимига, шахсий ҳисоб рақами ва абонент ускунасининг серия рақамини, ёки ушбу Шартномага ўзгартириш киритиш учун шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт;
- 5.3.9. Янги ахборот хабарномалар, Хизматлар бўйича тарифлар ўзгариши, Қўшимча хизматлар рўйхати, Хизматлар ўчирилиши, профилактика ишлари, қарздорлик мавжудлиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар билан танишиб чиқиш учун, Провайдер Сайтини/Шахсий кабинетини мунтазам равишда, ҳафтада камида бир маротаба танишиб туриш;
- 5.3.10. Оммавий намоёиш, кейинчалик намоёиш қилиш учун кўрсатувларни ёзиб олишни амалга оширмаслик, ҳамда ўз ускуналаридан фойда олиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан уни кабель телевидениеси ёки бошқа телевидение тармоғига улаш йўли билан, ҳамда Абонент ускуналаридан мазкур Шартнома билан назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланмаслик;
- 5.3.11. Унга берилган шахсий идентификация маълумотларнинг махфийлигини сақлаш;
- 5.3.12. Абонент Провайдернинг офисидан рўйхатдан ўтақазмасдан туриб ускунани 3-шахсга бериши ман этилади. Агарда Абонент Провайдерни оғохлантирмасдан ускунани 3-шахсга бериб юворса, Провайдер Абонент шартномасини санкациялаштирилмаган ҳолда фойдаланиши учун жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

5.4. Абонент ҳуқуқлари:

- 5.4.1. Мазкур Шартнома билан назарда тутилган Хизматлар ва Қўшимча хизматлардан фойдаланиш;
- 5.4.2. Ўз Шахсий ҳисоб рақами аҳволи ҳақида маълумот сўраш, Хизматлар бўйича Провайдер офиси, Сайти ёки Call-Center орқали маслаҳат олиш, мазкур Шартнома билан назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш. Сўров берилганда, Абонент ўз абонент маълумотларини тақдим этиши керак: Шахсий ҳисоб рақами (ID) ёки Абонент ускунаси рақами;
- 5.4.3. Провайдерга мазкур Шартномага асосан Провайдер мажбуриятларини бажарилиши бўйича, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ эътирозлар келтириш;
- 5.4.4. Абонент икки ва ундан кўп нукталарни улаган тақдирда, барча тузилган Шартномалар бўйича Шахсий рақамларни бирлаштириш;
- 5.4.5. Телеканаллар Пакетини алмаштириш, Провайдер офисларида ёки Шахсий кабинет орқали Ариза расмийлаштириш йўли билан жорий календар оғи тугашидан камида 3 (уч) иш куни аввал Оммавий оферта келишувини Абонент шартномасига ўзгартириш. Хизмат нархи Провайдер Сайтида кўрсатилган. Ўзгартиришлар, Абонентнинг ижобий баланси мавжудлиги шарт билан, кейинги календар ойнинг биринчи санасидан кучга киради;
- 5.4.6. Қўшимча хизмат орқали “Вақтинча ўчириш”, 12 календар оғи муддатгача Абонент тўловини ҳисобламаган ҳолда Хизмат тақдим этилишини тўхтатиб туриш. Хизмат нархи Провайдер Сайтида келтирилган. Мазкур хизматдан фойдаланиш учун, Абонентнинг ижобий баланси мавжудлигида хизматдан фойдаланиш режалаштирилаётган оғидан 3 (уч) оғ олдин Провайдер манзилига ёзма ариза жўнатиш керак, Telegram-bot орқали команда бериб ёки сайтда Шахсий кабинет орқали ёки Call-Centerга мурожаат қилиб расмийлаштириш керак. Ариза тақдим этилмаса, ёки у кўрсатилган муддатдан кечроқ топширилса, абонент тўлови умумий шартларда ҳисобланади ва қайта ҳисобланмайди. Агар “Вақтинча ўчириш” хизматидан фойдаланаётган Абонент Провайдер хизматларини муддатидан аввал фаоллаштиришни истаса, Абонент Хизматдан фойдаланиш санасидан қатъий назар, жорий оғ учун абонент тўловини тўлиқ ҳажмда тўлайди;
- 5.4.7. 8.2-бандга мувофиқ Провайдер билан Шартномани бекор қилиш;
- 5.4.8. Хизматлардан суткада 24 (йигирма тўрт) соат, ҳафтада 7 (етти) кун давомида фойдаланиш, Провайдер, кўрсатувчилар томонидан режали профилактика ва регламент ишларини бажариш учун танаффуслар бундан истисно, улар бажарилиши тўғрисида маълумот Провайдер Сайти ва/ёки “чопар сатр” орқали эълон қилинади;

6. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Провайдер телевидение сигналининг сифатини амалдаги стандартларга мувофиқ таъминлайди ва ўз мажбуриятларини бажариш учун, мазкур Шартнома билан назарда тутилган тартиб ва шартларга, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликни ўзига олади.
- 6.2. Мазкур Шартнома бўйича Қўшимча хизматлар (Қўшимча телеканаллар пакетидан ташқари) Провайдер айби билан ўз вақтида кўрсатилмаган тақдирда, Провайдер Абонентга ҳар бир кечиктирилган кун учун кўрсатилмаган Қўшимча хизматлар ҳажмининг 0,5% миқдорда, аммо кўрсатилмаган Хизмат қийматининг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

- 6.3.** Кўшимча хизматлар (Кўшимча телеканаллар пакетидан ташқари) ва/ёки Сарфланадиган материаллар учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса, Абонент Провайдерга ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўловнинг 0,4% миқдоридан, аммо тақдим кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 6.4.** Абонент Провайдер хизматлари учун тўловлар тўғри амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади. Нотўғри Шахсий ҳисоб рақамга тўланган маблағларнинг қолган қисми ўтказилиши, мазкур Шартноманинг 4.12-бандига асосан амалга оширилади.

6.5. Провайдер қуйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

- 6.5.1.** Абонент ускуналари носозлиги ёки Абоненти ундан нотўғри фойдаланганлиги оқибатида, ҳамда Провайдерга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра телевидение сигнали сифатсизлиги;
- 6.5.2.** телевидение дастурлари мазмуни;
- 6.5.3.** ускуналар, дастурий таъминот алмаштирилиши ёки Провайдернинг техник тизимларининг иш қобилиятини сақлаш ва ривожлантириш зарурияти билан боғлиқ ҳолда ўтказилаётган ишлар вақтида Хизмат тақдим этилиши қисман ёки тўлиқ тўхтатилганлиги;
- 6.5.4.** электр тармоғида кучланиш, ҳарорат режими, Абонентнинг телевизор ускунаси техника талабларига жавоб бермаслиги каби фойдаланиш учун нормал шароитлар мавжуд эмаслигида, тасвир сифати ёмонлиги;
- 6.5.5.** Абонент ускуналари ишдан чиқиши;
- 6.5.6.** Абонент томонидан мазкур шартлари бажарилмаганлиги;
- 6.5.7.** Оператор томонидан сигнални узатиш стандартини ўзгартирилишига;
- 6.5.8.** Дастурлар жадвали ўзгариши ёки асосий ва/ёки кўшимча телеканаллар пакетидан у ёки бу канал намойиш этилиши тугатилганлиги (тўхтатилганлиги);
- 6.5.9.** Абонент ускуналари мустақил ва/ёки учинчи шахслар томонидан ўрнатилган бўлса, телевидение сигнали сифатсиз қабул қилиниши;
- 6.6.** Пеняни тўлаш томонларни ушбу Шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
- 6.7.** Томонларнинг ушбу Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.
- 6.8.** Томонлар Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг коррупцияга қарши меъёрларга риоя қилиши ва обуна шартномаси бўйича уларнинг ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари билан боғлиқ нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмасликка, шу жумладан (чекламаган ҳолда) жисмоний ёки юридик шахсларга, тижорат ташкилотларига, давлат ва бошқарув органлари, давлат хизматчилари, нодавлат юридик шахслар ва уларнинг вакилларига ноқонуний тўловларни, нақд пул ёки бошқа шаклдаги пораларни таклиф қилишни, руҳсат бериш ва ваъда бериш каби ҳаракатларни амалга оширмаслиги лозим.
- Тарафлардан бири томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мажбуриятлар бузилган тақдирда, бошқа тараф шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақлидир. Ушбу бандга мувофиқ Абонент шартномаси бекор қилинган тақдирда Томонлар бир-бирига зиён/зарарни қопламайди (кўрсатилган хизматлар ҳақи ёки Абонент тўлови бўйича Абонент мажбуриятлари бундан мустасно).

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1.** Тарафлар мазкур Шартнома имзоланганидан сўнг энгиб бўлмас кучга эга вазиятлар оқибатида ўз мажбуриятларини бажармаса ёки қисман бажармаса, улар жавобгарликдан озод этилади. Бундай ҳолатларга, жумладан, қуйидагилар киради: табиий офатлар, табиий ва саноат фожиалар, террористик ҳаракатлар, ҳарбий ҳаракатлар, фуқаровий ғалаёнлар, давлат ҳуқуқоти органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан мазкур Келишув бўйича Тараф фаолиятига нисбатан чеклов ёки тақиқ мавжуд қарорлар қабул қилиниши, сунъий йўлдошдан сигнал даражаси пасайиши ёки йўқолиши, ҳамда олдиндан билиб бўлмайдиган ва бартараф қилиб бўлмайдиган бошқа ҳолатлар.
- 7.2.** Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қиладиган энгиб бўлмас кучга эга вазиятлар вужудга келганда, Тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш муддати бундай вазиятлар муддати, ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун зарур муддатга, аммо 60 (олтмиш) календар кунидан ортиқ бўлмаган муддатга кечиктирилади. Энгиб бўлмас кучга эга ҳолатлар кўрсатилган муддатдан ортиқ муддат ичида амал қилса, ёки улар вужудга келганда Тарафларга улар айтиб ўтилган муддатдан ортиқ давом этиши аниқ бўлса, Тарафлар мазкур Шартномани бошқа йўл билан бажариш эҳтимолини муҳокама қилишга ёки зарарларни қопламаган ҳолда уни бекор қилишга розилигини билдиришади.

8. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1.** Мазкур Шартноманинг шартлари Абонент томонидан акцепт қилинганидан сўнг кучга киради ва Тарафлар уни бекор қилгунча ёки тугатмагунча амал қиладди.

- 8.2.** Абонент Провайдерга ёзма ариза топшириб, паспортнинг асл нусхасини тақдим этиб, мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин. Фойдаланилмаган давр учун олдиндан қилинган тўлов Абонентнинг ёзма талабномаси асосида 15 куни ичида қайтарилади. “Уланиш” хизмати учун тўланган пул қайтариб берилмайди;
- 8.2.1.** 8.2-банд асосида тугатилганидан сўнг, у қайта тикланмайди. Мазкур Шартнома бекор қилинганидан сўнг Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари тушиши, Провайдер Хизматларини тиклаш учун асос бўлмайди. Абонент Провайдер Хизматларидан фойдаланиш учун янги Шартномасини тузишга ҳақли.
- 8.3.** Қуйидаги ҳолатларда Провайдер Абонентга жарималар тўламасдан ва ишлатилмаган пул маблағларини қайтармасдан мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин:
- 8.3.1.** Абонент томонидан Абонент ускуналарига техник таъсир кўрсатгани учун;
- 8.3.2.** Абонент томонидан, рухсатсиз учинчи шахсларга хизматлардан фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар учун.
- 8.4.** Провайдер фаолияти тугатилганда, Шартнома бекор қилинади;
- 8.5.** Абонент ускуналарини ўрнатиш учун техник ёки бошқа имконият бўлмаса, Шартнома бекор қилинади, пул маблағлари 15 банк иш куни ичида қайтарилади.
- 8.6.** Мазкур Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар Провайдер Сайтида чоп этилади. Абонент Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар билан рози бўлмаса, у 8.2-бандга мувофиқ Шартномани бекор қилиши мумкин. Ёзма ариза мавжуд эмаслиги, унинг ўзгартириш ва қўшимчалар билан розилигини билдиради.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 9.1.** Мазкур Шартномани бажаришда вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар имкон қадар Тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади. Тарафлар ўртасида ўзаро келишувга эришиш имконияти бўлмаса, вужудга келган низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ судда кўриб чиқилади.

10. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

- 10.1.** Абонент мазкур Шартномани тузиш вақтида Хизмат тақдим этилишининг барча шартлари, шу жумладан Провайдернинг рақамли телевидение сигналани қабул қилиш техник имкониятлари мавжуд Худуд ҳақида, амалдаги тарифлар тўғрисида хабардор қилинганлигини ва Абонентга Хизматларни тақдим этиш тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот берилгани билан боғлиқ эътирозлар Провайдерга нисбатан йўқлигини тасдиқлайди.
- 10.2.** Провайдернинг Қўшимча хизматларига (Қўшимча телеканаллар пакетидан ташқари) кафолат муддати бажарилган ишлар далолатномаси имзоланганидан сўнг 1 (бир) календар ой деб белгиланади. Мазкур муддат ичида Абонент айби билан носозликлар вужудга келса, Провайдер мутахассисларини чақириш, уларни чақириш кунда амалда бўлган тариф бўйича тўланади.
- 10.3.** Абонент қурулмалари бўйича кафолат, ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилади. Абонент ускуналарига Сервис хизматлар кўрсатиш тўғрисида маълумотларни Провайдер офислари, расмий веб-сайти еки Call-Center орқали билиб олиш мумкин.
- 10.4.** STB қурилмаси учун кафолат муддати Абонент томонидан Хизматлар (Уланиш ва абонент тўлови) учун тўловларни амалга оширган кундан бошлаб 12 ой муддатга белгиланади.
- 10.5.** САМ модуль учун кафолат муддати Абонент томонидан Хизматлар (Уланиш ва абонент тўлови) учун тўловлар амалга оширилган кундан бошлаб 1 ой муддатга белгиланади.
- 10.6.** Абонент қурулмаларига қўшимча сервис хизматлар бўйича кафолат муддати томонларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 1 ой этиб белгиланади. Абонент/фойдаланувчининг айби билан кафолат даври мобайнида носозликлар юз берганда, сервис хизматлар амалдаги тарифларга мувофиқ тўланади.

ПРОВАЙДЕР РЕКВИЗИТЛАРИ

**«UZDIGITALTV» МЧЖ, 100015, Тошкент ш., Миробод т-ни., Ойбек кўчаси, 30 уй. Ҳисоб рақами: 20208000404813150001 «АЛОҚАБАНК» АТ Тошкент шаҳри
МФО: 00401, СТИР:207027936 ОКЭД: 61 100 E-mail: info@uzdtv.uz.
Телефон: (+990 78) 129 9000.**

Мазкур Шартномани қабул қилиш бўйича ҳаракат ёки қуйида келтирилган реквизитлар бўйича тўлов қилиш, Сиз мазкур Шартнома шартларини бирор бир истисносиз ва /ёки чекловсиз тўлиқ ва шартсиз қабул қилганингизни билдиради.